
ФАРҒОНАДА ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА “МЕНИНГ ҚАҲРАМОНИМ”; ШИОРИ ОСТИДА “ВАЗИРГА МАКТУБ”; ИНШОЛАР ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Иншолаб танловининг мактаб, шаҳар ва туманлар босқичларида вилоят бўйича жами 185 467 нафар 5-7-синф ўқувчилари ҳамда 176 345 нафар 8-10 синфда таълим олаётган ўғил-қизлар қатнашди. Улар орасидан 19 та шаҳар ва туманлардан 2 нафардан кучлилар саралаб олинди.

Куни кеча Марғилон шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар мактабида ўтган танловнинг вилоят босқичида ҳудудлардан келган ўқувчилар яна бир бор ўз имкониятларини намойиш этишди.

Иштирокчиларнинг ижодий ишлари Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танлов Низоми асосида ҳолисона, адолатли ва шаффоф кўриб чиқилиб, ғолиблар номи аниқланди.

Ўқувчилар вилоят халқ таълими бошқармаси масъуллари томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллаган ғолиблар танловнинг Республика босқичига йўлланма олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-23 15:21:17